



They deserved the title of Hero of the Soviet Union

Shavkatbek MAKHAMMADYUNUSOV¹

Andijan State University

ARTICLE INFO

Article history:

Received July 2023
Received in revised form
15 July 2023
Accepted 25 July 2023
Available online
15 August 2023

Keywords:

World War II,
Hero of the Soviet Union,
German fascism,
Japanese militarism,
Europe,
Georgia,
Russia,
Japan,
Mongolia,
Manchuria,
Uzbek fighters,
award,
deportation,
partisan,
sniper,
award,
nation,
award list.

ABSTRACT

In this article, 263 people from Uzbekistan, were presented with the title of Hero of the Soviet Union, but for some reason were not awarded, for their courage in the fight against German fascism in Europe and the Japanese militarists in the Far East and in various regions Asia during the Second World War, provides information about 24 Uzbek soldiers called up for military service from Central Asia, Russia and Ukraine.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss6/S-pp102-109>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Улар Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига муносиб эдилар

Калит сўзлар:

Иккинчи Жаҳон уруши,
Совет Иттифоқи
Қаҳрамони унвони, немис-
фашизми,
япон милитаризми,

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Иккинчи Жаҳон уруши йилларида Европада немис-фашизмига ва Узоқ Шарқ ҳамда Осиёнинг турли минтақаларида япон милитаристларига қарши курашда жасорат кўрсатиб, Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилган, лекин айрим сабабларга кўра бу

¹ Doctor of Philosophy in Historical Sciences (PhD), Andijan State University.

Европа,
Грузия,
Россия,
Япония,
Монголия,
Манжурия,
Ўзбекистонлик жангчилар,
мукофот,
депортация,
партизан,
снайпер,
мукофот,
миллат,
мукофотлаш варағи.

унвон билан тақдирланмаган турли миллат вакилларида
иборат бўлган ўзбекистонлик 263 нафар, Ўрта Осиё, Россия
ва Украинадан ҳарбий хизматга чақирилган 24 нафар ўзбек
жангчилари ҳақидаги маълумотлар баён қилинган.

Они заслужили звание Героя Советского Союза

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

Вторая мировая война,
Герой Советского Союза,
немецко-фашизм,
японский милитаризм,
Европа,
Грузия,
Россия,
Япония,
Монголия,
Маньчжурия,
узбекские бойцы,
награда,
депортация,
партизан,
снайпер,
нация,
наградной лист.

В данной статье представлены сведения о 263 гражданах Узбекистана, которые были выдвинуты на получение звания Героя Советского Союза за проявленную храбрость в борьбе с немецким фашизмом в Европе и японскими милитаристами на Дальнем Востоке и в различных регионах Азии во время Второй мировой войны, но по разным причинам этого звания не получили. Особое внимание уделено 24 узбекским бойцам, призванным на военную службу из Средней Азии, России и Украины.

Иккинчи Жаҳон урушида ўзбекистонликларнинг иштироки, буюк ғалабага қўшган ҳиссалари, фашизм ва япон милитаристларига қарши кураш жанггоҳларида кўрсатган жасоратлари, фронт ортида олиб борилган машаққатли меҳнатлари ҳақида кўплаб мақолалар, китоблар чоп этилди. Бадий ва ҳужжатли фильмлар яратилди. Айниқса, Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган ҳамда “Шуҳрат” орденининг учала даражаси билан тақдирланган жангчилар ҳақида бир қанча автобиографиялар, мақолалар, бадий китоблар, тарихий очерклар нашр этилиб борилди. Бу борадаги ишлар ҳозирги кунда ҳам давом этиб келмоқда.

Ушбу мақола эса Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатиб, Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилган, бироқ айрим сабаблар туфайли бу унвон билан тақдирланмаган ўзбекистонлик жангчилар ҳақида.

Кейинги йилларда МДХ давлатларида бир қанча ишлар амалга оширилди. Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилиб, бу унвон билан мукофотланмаганларнинг рўйхатлари шакллантириб, эълон қилиб бориш ишлари йўлга қўйилди, адабиётлар чоп этилди. Хусусан, jewmil.com сайти ходимлари “Герои

без Золотой Звезды” номи билан ўз сайтларида алоҳида бўлим ташкил этиб, Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилган, лекин тақдирланмаган 248 нафар яхудийларнинг рўйхатини очиқлаганлар. Улар орасида 13 нафар Ўзбекистонда туғилган ва ҳарбий хизматга Ўзбекистондан чақирилганлар ҳам бор [1].

Бу борада, айниқса, қозоғистонлик тарихчилар Берик Абдигалиули ва Жумабой Доспановлар томонидан олиб борилган ишлар диққатга сазовордир. 2019 йилда қозоқ ва рус тилларида чоп этилган Берик Абдигалиулининг “Ўмытылған қаһармандар. Забытые герои. Герои Советского Союза” китобида юксак унвонга тавсия этилган, бироқ бу унвон билан тақдирланмаган қозоғистонлик 133 нафар жангчиларнинг маълумотлари келтирилган [2].

Жумабой Доспанов томонидан олиб борилган ишлар диққатга сазовордир. Ж. Доспанов “Подвиг народа” электрон ресурси маълумотлари асосида собиқ Иттифоқ Республикалари ва хорижий давлатлардан Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилиб айрим сабабларга кўра тақдирланмаган 56 та миллатдан иборат бўлган 8097 нафар жангчиларнинг маълумотларини тўплаган. Шундан 102 нафари ўзбеклар эканлигини қайд этган. Тўпланган маълумотларни 3-жилддан иборат китобни чоп эттирган бўлиб унинг 1- ва 2-жилдлари Россия Федерацияга, 3-жилди эса 14 та собиқ Иттифоқ Республикаларига бағишланган [3].

Тошкент шаҳрида туғилган, Қозоғистоннинг Гурьев шаҳридан ҳарбий хизматга чақирилган, фашизмга қарши курашда Александр Матросов жасоратини қайтарган жангчи, душман амбразурасини ўз танаси билан беркитиб, ўт очиш нуқтасини яқсон этган ҳолда қаҳрамонларча ҳалок бўлган Григорий Постольников вафотидан сўнг 1-даража Ватан уруши ордени билан тақдирланган [4. Б. 252]. Аслида эса Григорий Постольников 1944 йил 10 март куни Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилган эди [5].

Ахмадиев Тамимдар Хазигалиевич “Башкирская гвардейская кавалерийская” китобининг “Подвиг тридцати героев под Белой Калитвой” номли қисмида 1943 йилнинг 21-23 январь кунлари Россия Федерациясининг Ростов областидаги Белая Калитва шаҳри ҳудудидаги 79.9 тепаликни душмандан озод этиш учун бўлган жангларда 30 баҳодирнинг қаҳрамонликларини батафсил баён этган. Стратегик жиҳатдан муҳим бўлган тепалик учун кечган жангларда туркман Аннақилич Атаев бошчилигидаги 30 нафар жангчининг барчаси қаҳрамонларча ҳалок бўлади ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилади. Лекин, фақатгина Аннақилич Атаевгина қаҳрамон унвони билан тақдирланган бўлса, қолган жангчилар 1-даража Ватан уруши орденига муносиб кўрилади. 30 нафар баҳодирнинг миллий таркибига кўра 15 нафари ўзбеклардан иборат бўлган. Ўзбекистонликлардан 1 нафари қорақалпоқ ва 14 нафари ўзбеклар эди [6. Б. 116–125].

Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилиб, бу унвон билан мукофотланмаган ўзбекистонликлар ҳақидаги маълумотлар деярли жамланмаган, мақолалар, адабиётлар чоп этилмаган, тадқиқотлар олиб борилмаган. Мавжуд ишларда ҳам аниқлаштириш талаб этиладиган айрим чалкашликлар учрайди. Жумладан, 2021 йилда чоп этилган “Ўзбекистон иккинчи жаҳон уруши даврида” китобида Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилганлардан Сирожиддин Валиев ва каттақўрғонлик Эсон Жовбўриевларнинг номларигина зикр этилган [7. Б. 128–132]. Т.Жўраев эса ўзининг “Ватаннинг содиқ фарзандлари” [8. Б. 69–70] китобида фарғоналик Валиев Сирожиддинни Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан тақдирланганлар рўйхатига қўшади. Шунингдек,

Р.Т. Шамсутдинов ҳам “Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари”, [9. Б. 7] китобида избосканлик Рахмонов Одилбекни Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан тақдирланганлар сирасида қайд этиб ўтган.

Бу мақолада 287 нафар қаҳрамон ҳақидаги янги маълумотлар жамланиб, ҳавола этилмоқда. Улар Ўзбекистондаги вилоятларда туғилган, урушдан олдинги йилларда Республикамизнинг турли ҳудудларда меҳнат қилган, шунингдек, Ўрта Осиё, Россия ва Украинадан ҳарбий хизматга чақирилган ёки урушдан кейинги йилларда маълум вақт истиқомат қилган 20 та миллат вакиллари билан иборат бўлган жангчилардир. Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, холислик тамойиллари асосида ёритилган.

Ўзбекистонлик жангчиларнинг жанговар йўли билан танишиб чиқарканмиз, уларнинг фронтнинг барча жабҳаларида душманга қарши мардонавор курашиб жангчиларга ўрнак бўлгани, ҳарбий қўмондонликнинг эътирофига сазовор бўлгани ва бир қанча мукофотлар билан тақдирланганига, шунингдек, жангда оғир ярадор бўлишларига қарамасдан жанг майдонини тарк этмай душманга қарши мардонавор курашгани, мардларча ҳалок бўлгандан сўнг ёки бедарак йўқолганидан сўнг Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилганлигига, уларнинг айримлари Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига бир эмас, икки ва уч маротабадан тавсия этилганлигига гувоҳ бўламиз.

Жумабой Доспанов ўз тадқиқотида ўзбекистонликлардан 157 нафар оддий аскар ва офицерлар Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилиб, ушбу унвон билан тақдирланмаганлигини келтириб ўтади. Шундан, миллий таркибга кўра: 82 нафар ўзбек, 45 нафар рус, 8 нафар татар, 7 нафар қozoқ, 5 нафар украин, 3 нафар яҳудий, 2 нафар тожик, 1 нафардан қирғиз, қорақалпоқ, эрон, мордвин, чувашлардир [10. Б. 263].

Жумабой Доспанов 3 томлик китобида 2, 3 ва 4 маротабадан Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилганларнинг рўйхатини ҳам шакллантирган бўлиб, ўзбекистонликлардан фақатгина икки маротаба Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилганлардан, ҳозирги Миробод туманидан 1942 йилда ҳарбий хизматга чақирилган катта лейтенант Козловский Захарий Айзиковични қайд этиб ўтган холос [10. Б. 270, 343].

Ўрганишларимиз натижасида эса 263 нафар ўзбекистонлик жангчилардан қуйидагилар икки ва уч маротаба Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилганликлари аниқланди.

Моҳир мерган, 1941 йилда Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл районида ҳарбий хизматга чақирилган Бекчанов Роджап (мукофотлаш варақаларида Бекжонов Режаб, Раджан номлари билан ҳам қайд этилган) ўзининг снайпер винтовкаси билан юзга яқин душманни йўқ қилганлиги учун 1943 йил 25 июнда биринчи марта юксак унвонга тавсия этилади, лекин 1943 йилнинг 5 июлдаги буйруқ билан “Қизил байроқ” орденига лойиқ кўрилади. 1944 йил 30 апрелда эса у иккинчи марта юксак унвонга тавсия этилишига қарамай 1944 йил 15 июлда 2-даража Ватан уруши ордени билан тақдирланади [11].

Украинанинг Запорожье областида 1903 йилда туғилган, 1942 йилда Кармана районида (ҳозирги кунда бу туман Навоий вилояти таркибида) ҳарбий хизматга чақирилган Жулинский Григорий Петрович 1943 йил 12 октябрь ва 1944 йил 9 майда олий унвонга тавсия этилади, лекин ҳар иккисида ҳам “Қизил байроқ” ордени билан тақдирланади.

Россиянинг Арзамас шахрида туғилган, Бувайда районидан 1943 йилда ҳарбий хизматга чақирилган Максимов Иван Фёдоровичнинг юксак унвонга тавсия этилиш тарихи ҳам қизиқарлидир. Унинг 1944 йил 3 августдаги Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилган мукофотлаш варағида ўзбек эканлиги қайд этилган бўлса, 1945 йил 30 апрелдаги мукофотлаш варағида эса 1943 йилда Арзамас районидан ҳарбий хизматга чақирилганлиги ва рус миллатига мансублиги кўрсатилган. Ҳар икки ҳолатда ҳам Иван Максимов юксак унвон ўрнига “Қизил байроқ” ордени билан тақдирланган [5].

Фашизмни мағлубиятга учратишда, албатта, партизанлик ҳаракати муҳим ўринга эгадир. Белоруссиядаги партизанлик ҳаракатида “Гантай” номи билан машҳур бўлган, қонли жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган Ғанитой Тошниёзов Сайдалиевич ҳам икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилган.

Ғ.Тошниёзов 1939 йил кузида ҳарбий хизматга Тошкент шахридан чақирилади. Урушнинг дастлабки кунларидан фашизмга қарши кураш олиб боради. 1942 йилнинг августигача Ғарбий Белоруссияда ҳаракатланаётган 86-ўқчи дивизиянинг 169-ўқчи полкида жанг қилади. Қўлидан ярадор бўлгач, Белоруссияда фашистларга қарши кураш олиб бораётган “Разгром” (“Тор-мор”) партизанлик бригадасининг “Искра” (“Учқун”) отрядига бориб қўшилади. Кейинчалик бу отрядни бошқаради. У бошқарувидаги диверсион (кўпорувчи) гуруҳ томонидан 1942 йилнинг 3 сентябригача душманнинг 50 га яқин вағони ишдан чиқарилади, 900 га яқин солдат ва офицерлари ўлдирилади ва ярадор қилинади. Душманнинг Минск-Смолевичи йўналишида жойлашган 2 та кўпригига ўт қўйилади, натижада фашист горнизонининг ҳаракатланиши чекланади. Жанговар топшириқни муваффақиятли тарзда бажарилганлиги учун Ғ. Тошниёзов 1942 йил 29 сентябрда юксак унвонга тавсия этилади, лекин 1943 йил 24 ноябрдаги буйруққа кўра “Қизил Юлдуз” ордени билан тақдирланади.

1942 йилнинг 12 сентябрь, 3 октябрь, 7 – 10 декабрь кунлари душманга қарши олиб борилган кўпорувчилик ҳаракатлари натижасида фашистларнинг 698 солдат ва офицери ўлдирилиб, 675 нафари ярадор қилинади. 5 паровоз ва 45 вағон йўқ қилиниб, 10 та вағонга ўт қўйилади. Шахсан унинг ўзи бир йил давомида беш марта жанговар операцияларда иштирок этиб, 15 фашистни йўқ қилади. 4 эшелонни издан чиқариб, душманнинг қиялик бўйлаб ўтган темир йўл ҳаракатини 8 соатдан 20 соатгача тўхтатиб қўяди. У мазкур жанговар хизматлари учун 1943 йил 29 май куни яна Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилади. Аммо бу гал 1944 йил 15 августдаги Қуролли Кучлар Президиумининг № 218/190 буйруғига асосан 1-даража “Ватан уруши” ордени билан тақдирланади [12].

Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори Козимжон Сағдуллаев ўзининг “Қаҳрамонлардан бири эди...” номли мақоласида Ғанижон Тошниёзовни 1943 йил 27 октябрда Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилганини билдириб ўтади [13. Б.85].

Шунингдек, душманга қарши курашда матонат, жасорат намуналарини кўрсатган, қўмондонлик топшириқларини ўз вақтида намунали бажариб Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлганлардан Решидов Абдираим Измайлович 1942 йил ноябрдаги буйруққа кўра Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини ўрнига Ленин ордени билан тақдирланган, Гринько Иван Устинович 1944

йил февралдаги буйруқ билан “Қизил байроқ” орденига лойиқ кўрилган, Валеев Агзам Зиганшевич 1945 йил 14 январдаги буйруқ билан “Қизил байроқ” орденига муносиб кўрилган [4], Машхур партизан Мамадали Топволдиев эса 1943 йил 12 декабрда юксак унвонга тавсия этилган [12.] бўлса-да, ҳеч қандай мукофот олмаган.

1944 йил 10 январда Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони соҳиби бўлган наманганлик Рахимов Абдусаттор Рахимович (мукофотлаш варақаларида Абдизатор, Абдиз, Абдисатар деб ҳам юритилган) жангларда душманга қарши курашда жасорат намуналарини кўрсатганлиги учун 3 мартаба Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилади. Дастлаб 1943 йил 15 октябрда тавсия этилган бўлиб, бу унвон ўрнига 1943 йил 23 декабрда “Қизил байроқ” ордени билан тақдирланади. Орадан салкам бир ой ўтгач, 1943 йил 18 ноябрда иккинчи марта олий мукофотга тавсия этилади, бироқ 1944 йил 17 февралдаги буйруқ бўйича 1-даража Ватан Уруши орденига муносиб кўрилади [14].

Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилиб айрим сабабларга кўра ушбу олий мукофот билан тақдирланмаган 20 та миллат вакилларида иборат бўлган 263 нафар ўзбекистонликнинг Республикамиз ҳудудлари кесимида қуйидагича кўринишга эга: Тошкент шаҳридан 53 нафар, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари бўйича 36 нафардан, Тошкент вилоятидан 26 нафар, Андижон вилоятидан 21 нафар, Наманган вилояти бўйича 18 нафар, Бухоро вилоятидан 15 нафар, Қашқадарё вилоятидан 13 нафар, Хоразм вилоятидан 9 нафар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилоятидан 8 нафардан, Навоий ва Сирдарё вилоятларидан 7 нафардан, Сурхондарё вилоятидан 6 нафар.

Шунингдек, собиқ Иттифоқ Республикаларидан 24 нафар ўзбеклар – Тожикистондан 8 нафар, Қирғизистон, Қозоғистон ва Туркменистондан 4 нафардан, Россия Федерациясидан 3 нафар ҳамда Украинадан 1 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилган бўлишларига қарамай тақдирланишмаган.

Булар ҳарбий унвонига кўра оддий аскарлар, сержантлар, кичик ва катта офицерлар ҳамда генераллардир.

Ўзбекистонга депортация қилинган қрим-татар халқининг фарзандларидан бўлган Решидов Абдураим (1945 йилда Совет Иттифоқи Қаҳрамони билан мукофотланган.), Османов Рефат, Хайбулаев Идрислар ҳам душманга қарши курашда жасорат намуналарини кўрсатиб, юксак унвонга тавсия этилган бўлсалар-да, бошқа орденлар билан мукофотланишган [15. Б. 180–196]. Шунингдек, япон агрессорларига қарши курашда жасорат кўрсатганлардан яна бири Россиянинг Куйбишев шаҳрида туғилган, Ўрта Чирчиқ районида ҳарбий хизматга чақирилган корейс Ким Борис Васильевичдир (мукофотлаш варақларида рус миллатига мансуб эканлиги қайд этилган). 1945 йилнинг 8-11 август кунлари Монголия ва Манжурия водийси учун бўлган жангларда жасорат кўрсатади ва юксак унвонга лойиқ кўрилади. Унга 1945 йил 27 сентябрдаги буйруқ билан Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони ўрнига “Қизил байроқ” ордени берилади [5].

Иккинчи Жаҳон урушида Ўзбекистондан борган жангчилар қатори ўтган асрнинг 20-30 йилларида Ўзбекистондан қулоқ сифатида Украина, Шимолий Кавказ ва Россиянинг бир қанча ҳудудларига сургун қилинган 59 мингдан ортиқ [16] ватандошларимиз ҳам душманга қарши мардонавор курашиб, бир қанча орден ва медаллар билан тақдирланишди.

Россия Федерациясининг 1943 йилда Чкалов областидан ҳарбий хизматга чақирилган ўзбек, гвардия ефрейтори Абдурахманов Хаман (айрим ҳужжатларда Каман деб ҳам юритилган) фашизмга қарши курашда жасорат кўрсатганлиги учун 1945 йилнинг 31 январида Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилади. Лекин 4-Танк Армиянинг 1945 йил 28 мартдаги буйруғи билан “Шуҳрат” орденининг 3-даражаси билан тақдирланади.

Шунингдек, ўзбеклардан Бурят-Монгол АССРдан ҳарбий хизматга чақирилган сержант Лупсанов Санджа, Туркменистонда туғилган, Сталинград областидан ҳарбий хизматга чақирилган гвардиячи сержант Қодиров Худайберди ҳамда Украинанинг Одесса шаҳридан ҳарбий хизматга чақирилган гвардиячи сержант Муксимов Ахроиллар юксак унвонга тавсия этилганлар [5].

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ушбу мақоладаги қаҳрамонлар ҳақидаги маълумотларни тайёрлашда Иккинчи жаҳон уруши даврида жанггоҳларда иштирок этган жангчиларнинг шахсий мукофотлаш (Наградной лист) варақларини жамлаган ва “Подвиг Народа” электрон ресурсга жойлаштирган архив маълумотларидан фойдаланилди.

Россия Мудофаа Вазирлигининг интернет лойиҳаси бўлган “Подвиг Народа” сайти 2010 йил апрелида ишга туширилди. Лойиҳага кўра Мудофаа Вазирлигининг Марказий Архиви (ЦАМО) да сақланаётган ҳарбий хизматчиларга тегишли бўлган 100 миллион варақдан иборат бўлган 200 мингдан ортиқ жамланма ҳужжатлардаги (автобиографияси, ҳарбий хизматга чақирилиш пунктлари, мукофотлари, ҳалок бўлган жойи ва бошқа) маълумотларни 2012 йил декабригача ушбу сайтга жойлаштириш кўзда тутилган эди.

2011 йил феврал ҳолатига кўра, Иккинчи Жаҳон уруши йилларида мукофотланган 2 миллиондан ортиқ жангчилар ҳақида маълумотлар ушбу сайтда эълон қилинди [17. Б.25].

2017 йилга келиб сайтнинг базасида мукофотлашлар бўйича 26,7 миллион маълумотлар эълон қилинди [4], бугунги кунда сайт ходимлари томонидан жангларда иштирок этган, орден ва медаллар билан тақдирланган жангчилар ҳақида янги ҳужжат маълумотлари бериб борилмоқда.

Сайтнинг базасидаги 33 фонднинг 460 га яқин йиғма ҳужжатлар тўплами кўриб чиқилиши натижасида юқорида қайд этиб ўтилган 263 нафар Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилган ўзбекистонлик ва МДХ давлатлардан бўлган 24 нафар ўзбек жангчиси аниқланди. Агар сайтга жойлаштирилган маълумотларнинг кўплигини ҳисобга олган ҳолда тадқиқотлар яна давом эттирилса, албатта, Иккинчи Жаҳон урушида душманга қарши олиб борилган курашда мардлик, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб, Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилиб, маълум сабабларга кўра бу унвон билан тақдирланмаган жангчиларнинг рўйхати яна ҳам кенгайтириши мумкин.

Қаҳрамонларнинг деярли барчаси жанговар сафдалигида ва вафотидан сўнг юксак мукофотга тавсия этилганлар. Улар ҳақида тўлиқ маълумотни билмаймиз, ўсиб келаётган ёш авлод эса батамом беҳабардир.

Бугунги кунда юртдошларимизнинг душманга қарши курашда кўрсатган жасоратлари ҳақидаги ҳужжатлар Россия Федерацияси, Белорус ва Украинанинг турли архивларида сақланмоқда. Фронтдаги қаҳрамонликлари билан донг таратган ватандошларимизнинг жасоратлари деярли ўрганилмаган. Уларнинг жасоратлари ҳақида изланишлар, тадқиқотларни давом эттирилса, келажак авлодларга етказилса, жангчи юртдошларимизнинг руҳи, албатта, шод бўлмай.

Зеро, Қаҳрамон унвонига муносиб кўрилган ватандошларимизни аниқлаш, улар ҳақидаги маълумотларни тўплаш, автобиография ҳолатида чоп этиш ва уларнинг номини абадийлаштириш ҳозирги кунда тарихчилар олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. [https:// jewmil.com](https://jewmil.com). Григорий Койфман. “Герои без Золотой Звезды”.
2. Берик Абдыгалиулы. “Ұмытылған қаһармандар. Забытые герои. Герои Советского Союза”. ИП “Абдыгалиева Г.Ж.”. 2019. – 435 с.
3. <https://kazneb.kz/ru>. Қазақстанская Национальная Электронная библиотека. Ж.Доспанов. Не ставшие Героями Советского Союза: 3-х т. Историческо-документальная книга / (рук. проекта Б. С. Измухамбетов). -Атырау: “Агатай”, 2020.
4. Хотира китоби. Ўзбекистон Республикаси. Қомуслар бош таҳририяти. –Т.: 1995. -542 б.
5. <http://www.podvig-naroda.ru/> Подвиг Народа: Общедоступный электронный банк документов «Подвиг Народа в Великой Отечественной войне 1941–1945 гг.» Электронный ресурс. [Жангчиларнинг Мукофотлаш варақаси (Наградной лист)].
6. Ахмадиев Т. Х. Башкирская гвардейская кавалерийская. — Уфа: “Китап”, 1999. – 368 с.
7. Ўзбекистон иккинчи жаҳон уруши даврида. Китоб – альбом. “Ўзбекистон”. 2021.
8. Т.Жўраев. Ватаннинг содиқ фарзандлари. 1964. -543 б.
9. Р.Т.Шамсутдинов. “Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари”, 3-китоб, Тошкент, “Akademnashr”. 2017. – 448 б.
10. Ж Доспанов. Не ставшие героями Советского Союза: историческо-документальное издание / [рук. проекта Б. С. Измухамбетов] .- Атырау : “Агатай”, 2020. Библиогр.: Т. 3 . – 358 с.
11. http://soviet-aces-1936-53.ru/snipers/abc/a/adilov_t.htm Советские снайперы Великой Отечественной войны 1941-1945 гг.
12. <https://partizany.by/partisans/>. Партизаны Беларуси. // Спецпроект Издательского дома «Беларусь сегодня» и Национального архива Беларуси. (Партизаннинг мукофотлаш варақаси).
13. К.Қ.Сагдуллаев. Қаҳрамонлардан бири эди. //Иккинчи жаҳон уруши ва Ўзбекистон халқи: тадқиқотлар. Илмий мақолалар тўплами. -Т.: “Тамaddon”, 2020. -300 б.
14. <https://warheroes.ru/>. Герои страны. Список Героев Советского Союза.
15. Р. Д. Куртсеитов. Крымские татары – герои советского союза: хронология представлений, награждений и замены высшей награды орденами СССР. //История и культура — Тарих ва мединет. С 180-196.
16. <https://president.uz>. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг буюк Ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва кадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи.
17. Шин Д.В., Пак Б.Д., Цой В.В. Советские корейцы на фронтах Великой Отечественной войны 1941–1945 гг. / Авт. проекта Д.В. Шин; Отв. ред. Ю.В. Ванин; Учреждение Рос. Акад. наук «Ин-т востоковедения». – М.: ИВ РАН, 2011. с-291-295.